

**“Умумжаҳон пул ҳафталиги” (Global Money Week) доирасида молиявий саводхонлик соҳасидаги энг яхши журналистик иш бўйича Марказий банк томонидан ўтказиладиган Республика танлови**

**НИЗОМИ**

## **1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

Танлов Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ташкил этилади.

Ушбу Низом (бундан буён матнда Низом деб юритилади) танловни ўтказиш тартиби, танловда иштирок этиш шартлари, танловда иштирок этиш учун тақдим этилган ишларни баҳолаш мезонлари ва бошқа танлов қоидаларини тартибга солади.

Танлов мақсади аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланган энг яхши журналистик материалларни аниқлашдан иборат.

Таҳририят материаллари уч категорияда тақдим этилади:

**1. Телевизион дастур**

**2. Радио лойиҳаси**

**3. Босма ва онлайн ОАВдаги мақолалар**

Материал оммавий ахборот воситалари (газета, журнал, ТВ ахборот дастури, радио дастур, ахборот агентлиги, тармоқ нашрлари) да чоп этилиши, Низом талабларига жавоб бериши, материални жойлаштириш учун тасдиқнома (чоп этилган мақолага ҳавола, эфир маълумотномаси) га эга бўлиши керак.

Танловга **2019 йил 1 августдан 2020 йил 16 апрелгача** чоп этилган (эфирга узатилган, эшиттириш тайёрланган) материаллар қабул қилинади.

Танлов учун ишлар аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини ошириш, фуқароларнинг молия соҳасида маданият-маърифатини шакллантириш, уларни молиявий воситалардан фойдаланиш, шунингдек молиявий маҳсулотлар ва ташкилотлар билан ўзаро хавфсизликда ҳамкорлик қилишни ўргатишга қаратилган бўлиши керак.

### **Мавзулар:**

- Банк тизими.
- Банк хизматлари ва маҳсулотлари.
- Молия бозоридаги фирибгарлик.

- Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.
- Шахсий молия, молиявий режалаштириш.
- Молия тўғрисида оддий тилда.

## **2.ТАНЛОВНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ**

Танлов мақсади: ахборот-маърифий ва таълим нашриёти, теле ва радиодастурларнинг сони ва сифатини ошириш орқали аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини кўтаришга кўмаклашишдан иборат.

Танлов вазифалари:

- аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш, банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги нашрлар сонини ошириш;
- журналистларнинг аҳолини молиявий маданият ва маърифатини шакллантириш бўйича малакасини ошириш ва ушбу мавзунини мунтазам равишда ёритишга лаёқатли журналистлар гуруҳини шакллантиришга кўмаклашиш;
- банк хизматлари истеъмолчиларини уларнинг ҳуқуқлари, шунингдек, молиявий ташкилотлар билан низоларни ҳал қилиш йўллари ҳақида хабардор қилиш.

## **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

Танлов Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган ОАВ (ТВ, газета, онлайн ресурслар) журналистлари ўртасида ўтказилади.

Асосий номзодлар (иштирокчилар фақат кўрсатилган категориялар бўйича ишлар юборишлари мумкин):

- 1. Телевизион дастур**
- 2. Радио лойиҳа**
- 3. Босма ва онлайн ОАВдаги мақолалар**

Ҳар бир иштирокчидан биттадан ортиқ ариза қабул қилинмайди. Ҳар бир тоифа учун биттадан ғолиб, шунингдек, 2- ва 3-ўринларни эгаллаган иштирокчилар аниқланади. Танловда иштирок этиш бепул.

## **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН АРИЗА**

Танловда иштирок этиш учун иштирокчи ариза шаклини тўлдиради ва нашрга эфир маълумотномаси ёки ҳавола беради, сўнг материалларни юклайди.

Иштирокчи ариза юбориши биланоқ танлов қоидалари ва Низом шартларига тўлиқ ва сўзсиз розилигини билдиради.

Иштирокчи танловда иштирок этиб, танлов иши тақдим этиши иштирокчининг асарни шахсан ўзи яратганлигини, унга нисбатан мутлақ ҳуқуқи мавжуд эканлигини, шунингдек, асарни яратишда ва ундан фойдаланишда учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бузилмаганлигини кафолатлайди.

Ишга бўлган ҳуқуқларга доир низолар келиб чиққан тақдирда, бундай ишни юклаган иштирокчи ташкилотчи томонидан ҳеч қандай билдиришномасиз танловда иштирок этишни автоматик равишда тўхтатади ва агар бу иштирокчи танлов ғолиби ёки совриндори сифатида танланса, бундай танлов натижаси бекор қилинади.

## **5. ТАНЛОВ ИШЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТЕХНИК ТАЛАБЛАР**

### **– Телевизион дастур**

Файл формати: avi, mpeg4, видео рухсати 1920x1080р.

Материаллар билан бир қаторда эфир маълумотномаси ҳам тақдим этилиши керак.

### **– Радио лойиҳаси**

Файл формати: mp3.

Материаллар билан бир қаторда эфир маълумотномаси ҳам тақдим этилиши керак.

### **– Босма ва онлайн ОАВдаги мақолалар**

Файл формати: doc, rtf, нашриёт номи, рақами, рубрика номи, материал жойлаштирилган саҳифа варағи.

Материаллар билан бир қаторда эфир маълумотномаси ҳам тақдим этилиши керак.

**Танлов тили – ўзбек ва рус тиллари.** Агар, танлов иши бошқа тилда нашр этилган бўлса, иштирокчи танлов материалининг ОАВ муҳри билан тасдиқланган таржимасини тақдим этади.

## **6. ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ ВА ИШЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

Танловда иштирок этиш учун аризалар, ишлар ва ҳаволалар **2020 йил 16 апрелгача қуйидаги электрон манзили орқали қабул қилинади:**

**communication@cbu.uz** ва **konkurs.cbu@gmail.com** (хат мавзусида «**Global Money Week Танлови**» деб кўрсатилиши лозим).

Аризасиз юборилган материаллар кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

Тақдим этилган иш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлса ва/ёки Низомнинг техник талабларига ва/ёки танловнинг бошқа шартларига жавоб бермаса, ташкилотчи тақдим этилган ишларни тушунтиришсиз рад этиш ҳуқуқига эга эканлигига Иштирокчи танловга ўз ишларини тақдим этиш орқали рози бўлади. Ташкилотчи тақдим этилган ишнинг ўз хоҳишига кўра Низом талабларига жавоб бериши тўғрисида қарор қабул қилади.

Танлов иши бўйича муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ низо юзага келганда, иштирокчи ўз иштирокини танловда автоматик равишда тугатади.

Танлов тўхтатилган ёки тугатилган, ёки Низомга ўзгартиришлар киритилган тақдирда танлов ташкилотчиси **<https://cbu.uz>** веб-сайтига ва ва Марказий банкнинг расмий саҳифаларида тегишли билдиришнома қўйиб, бу ҳақда иштирокчиларга маълум қилади.

## **7. ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

Танлов икки босқичда ўтказилади.

**Биринчи босқич:** Дастлабки малакавий натижалар асосида ишларни танлаш

Ташкилотчи танловга тақдим этилган ишларни баҳолайди.

Дастлабки малакавий текшириш давомида танлов ишлари қуйидаги сабабларнинг бирига кўра танловда иштирок этишдан четлатилади:

- танлов Низомига риоя қилмайди;
- ахлоқсиз, ноцензуравий, зўравонликка чақирадиган сўзлар ишлатилган;
- Танлов қатнашувчилари ёки бошқа шахсларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситади;
- этник, ирқий, диний ва бошқа нифоқларни кўзғатади;
- учинчи шахсларнинг ҳуқуқларини поймол қилади.

Дастлабки малакавий текшириш натижасига кўра танлов ишлари Низомга ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқлиги тўғрисидаги қарор қабул қилинади ва танлов ишлари рўйхати тузилади.

**Иккинчи босқич:** Ғолибни аниқлаш

Ҳакамлар ҳайъати танлов ишларини баҳолайди. Энг кўп балл тўплаган асар муаллифи танлов ғолиби деб эътироф этилади.

## 8. БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Танлов ҳайъати танлов ёзувларини қуйидаги мезонлар асосида баҳолайди:

- тақдим этилган мавзулар бўйича материалнинг мувофиқлиги;
- тақдим этилаётган ахборот ҳажмининг ишончлилиги ва тўлиқлилиги;
- материалларни йиғиш ва топширишнинг профессионал усуллари, шу жумладан, қонунчиликка, махсус адабиётларга ва малакали мутахассисларнинг фикрларига асосланганлиги;
- материални кенг китобхонларга тақдим этишнинг аниқлиги ва тушунарлилиги;
- материални тақдим этишнинг ўзига хослиги ва ифодалилиги.

Танлов ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан танловнинг 3 нафар ғолиби ҳар бир номинация бўйича танлаб олинади. Ғолиблар ҳакамлар ҳайъати қарори билан овоз бериш йўли билан аниқланади.

Танлов ҳайъати ишларни шахсий субъектив фикр асосида баҳолайди. Танлов ҳайъати ўз ҳукмлари бўйича мустақилдир. Ҳайъат ишига таъсир кўрсатишга йўл қўйилмайди.

### Совринлар:

1-ўрин: *Macbook Pro* русумли ноутбуки

2 - 3-ўрин: *Марказий банкнинг эсдалик совгалари*

## 9. АРИЗАНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

Танлов иштирокчилари ўз видео ва иловаларини электрон почта орқали юборадилар: **communication@cbu.uz** ва **konkurs.cbu@gmail.com** (мавзу сатрида "**Global Money Week танлови**" номи албатта бўлиши керак), шунингдек, электрон воситаларда шахсан етказишлари мумкин.

### АРИЗА ШАКЛИ

Иштирокчи (лар) нинг тўлиқ исми	
Электрон почта манзили	
Уй манзили	
Танлов ишининг қисқа тавсифи (кўпи билан 300 та сўз)	
Оммавий ахборот воситаларининг номи	
Алоқа учун телефон рақами	